


ЛУ СИН ХАЁТИ ВА ИЖОД ЙЎЛИНИ ЎРГАНИШДА ТАЛАБАЛАР
МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-457-465

Шаюсупова А.А.

Тошкент давлат шарқшунослик университети, “Педагогика ва психология”
кафедраси доценти п.ф.н.

Ашурова М.А.

Тошкент давлат шарқшунослик университети, “Шарқ мамлакатлари
адабиёти ва
қиёсий адабиётшунослик” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий хитой адабиётининг ёрқин намоёндалиридан бири, прозаик, нотиқ, драматург Лу Син адабий фаолиятини ўрганишда талабаларнинг мустақил ишлаш, фикр алмашишни шакллантиришни педагогик технологиялар орқали ўрганишининг хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўз: «Чақириқ», «4 май ҳаракати», 1909-1918 йиллар, публицистик фаолият, 1925-1927 йилдаги хитойдаги инқилоб, «Байхуа» тили, «Венян» тили, педагогик технология, мустақил фаолият, “Бумеранг” технологияси.

Annotation: This article discusses the features of students' independent work, the formation of exchange of ideas through pedagogical technologies in the study of the literary activity of Lu Xin, one of the brightest representatives of modern Chinese literature, prose writer, orator, playwright.

Keywords: "Call", "May 4 movement", 1909-1918, journalistic activity, the Chinese revolution of 1925-1927, "Bayhua" language, "Wenyang" language, pedagogical technology, independent activity, "Boomerang" technology.

Республикамизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, ўзгаришлар ўсиб келаётган ёш авлод учун, уларнинг тақдири ёруғ келажаги учун мустаҳкам пойдевор бўлиб келмоқда.

Жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи замонавий машғулотлар жараёнида анъанавий дарс яъни тушунтириш, маъруза, амалий ва лаборатория дарслари билан бир қаторда талабалар мустақил фаолиятини ривожлантиришда

ўйин технологиялари, муаммоли масалаларни ечиш, кейс – стади технологиялари ва бошқалардан самарали фойдаланиш мумкин. Одатда ўқув жараёнига олиб кирилатган янгиликлар талабалар томонидан фаол қизиқиш билан кутиб олинади, айниқса бу янгиликлар интерфаол ёки ўйин кўринишида бўлса. Шу билан биргаликда ҳамкорликда ишлаш талаба ва ўқитувчи, талаба ва кичик гуҳлар учун дарс жараёнида самарали имкониятлардан фойдаланишга ёрдам беради.

Шарқ мамлакатлар адабиёти, айнан хитой адабиёти намоёндаларидан бири Лу Синнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда “Бумеранг” технологияси жуда яхши самара беради. Бу технология талабаларни мустақил ўқишга, ўзаро ҳаракат қилишга ундовчи технологиялардан бири бўлиб, дарс жараёнида ўқитувчи фақатгина фасилитатор вазифасини бажаради, чунки “БУМЕРАНГ” методи- берилган материални талабаларнинг кичик гуруҳларда мустақил ўрганишига ва бошқаларни ўргатишига йўналтирилган методдир. У етти босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда ўқитувчи ва талаба фаолияти алоҳида-алоҳида кўриб чиқилиши керак.¹

Хитой адабиёти намоёндаларидан бири Лу Синнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда мавзунини тенг тўрт қисмга ажратган ҳолда талабаларга бўлиб берилади. Масалан, биринчи гуруҳга матнда унинг болалиги яъни:

“Лу Син (асл исми-Чжоу Шужен) 1881 йил 25 сентябрда денгиз бўйидаги Чже Сзын ўлкасининг Шаосин шаҳарчасида Чжоу фамилиясига эга оилада туғилди. Ёзувчининг асл исми Чжоу Шужен, Лу Син эса адабий тахаллуси, онасининг фамилияси Лу унинг асосини ташкил этади; Син эса ўз исми хисобланади. Ёзувчи бу тахаллусдан 1918 йилдан бошлаб фойдаланади, ҳамда илк асари бўлган «Ақлдан озганнинг кундалиги» ҳикояси шу тахаллус остида нашр этилган. Мамлакатдаги кучли назорат ва сиёсий таъқиблар Лу Синни турли ясама номлар билан яшириниб юришга мажбур қилади.² У ўз номини тез-тез ўзгартиради, унинг ана шундай номлари бир неча ўнглаб эди.

Илк болалик йилларида ёзувчининг отаси 30-40 му ерга (яъни 2 гектарга яқин) эга эди. Бу мулк Лу Синнинг таъкидлашича бутун оиласи камбағаллик нималигини билмай яшаши учун етарли бўлган, лекин 13 ёшдан ошганида оиласида бахтсизлик рўй беради-оила устунини бўлган бобоси қамоққа олинади, барча оилавий маблағлар амалдорлар ва қамоқдаги бошлиқларга сарифланиб кетади, оиласи касодга учрайди. Отаси қаттиқ бетоб бўлиб қолади. Бу

¹ Д. Рўзиева, М.Усманбаева, З.Ҳалиқова “Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши”. Методик қўлланма. Тошкент-2013

² Хитой адабиёти (Шарқ халқлари адабиёти ва тарихи) / Ж.Зиямухамедов, О.Очилов, С.Насимова: -Т.2016 й.

бахтсизлик уни уйдан кетиб қариндошиникидан бошпана топишга мажбур қилади. Аммо янги жойдаги тахқирлашлар Лу Синнинг уйга қайтишга ундайди, отаси ўлгандан 3 йил ўтмай, онаси ўғлига билим бериш ниятида йўл учун бирозгина пул тўплаб уни бепул ўқитиладиган мактаб излаш учун юборади”- деган матн берилади.

Ёшлик даврлари иккинчи гуруҳга:

Ёшлигини эслаб Лу Син шундай дейди: «Тўрт йилдан ортиқроқ вақт давомида мен хар куни ломбард ва дорихоналарда бўлишимга тўғри келди. Эсимда йўқ, ўша кезлари неча ёшда эдим, дорихонанинг пештахтаси мени бошим баравар баландликда, ломбард пештахтаси эса мендан икки баравар эди. Мен шу баланд пештахта орқали кийим-кечак ёки қимматбаҳо буюмларни устимдан кулиш ва ҳақоратлаш остида сотардим, эвазига пул олиб, дорихонага борардим ва хаста отам учун дори-дармон харид қилардим. Отамни даволаётган табиб анча машхур эди ва шунинг учун камёб дорилар олишга буюрарди ва уларни топиш анча мушкул эди: қамишнинг қишки илдизи, шакарқамиш, бунинг устига улар далада уч қишни кўрган бўлиши керак эди, «пиндиму» бутасини меваси билан келтиришим керак эди. Буларнинг хаммасини топиш мен учун осон бўлмас эди, бироқ отамнинг ахволи тобора ёмонлашарди ва ниҳоят у хаётдан кўз юмади».

18 ёшида Лу Син Нанкин шаҳридаги Денгиз билим юртига ўқишга киради, лекин ярим йил ўтгач ўқишни ташлаб кон ва темир йўл муҳандислари мактабида шуғуллана бошлайди. Бу мактабни тугатгач Лу Син Японияга билим олишни давом эттириши учун юборилади. Бироқ Японияда у техника фанлар соҳасида малакасини оширишдан воз кечиб тиббиёт билан шуғуллана бошлайди.

«Менинг орзуим», -деб ёзади Лу Син хаётининг бу даври ҳақида, «жуда жозибали эди: тиббиёт институтини тугатгандан сўнг, мен ватанимга қайтиб отам сингари касалликдан кўра саводсиз таббиклардан кўпроқ азоб чеккан хаста кишиларнинг жонига оро киришни истардим; уруш бўлиб қолганда, харбий врач бўлиб ярадорларнинг уқубатларини камайтиришни истардим, яна мен ватандошларимни ислохотларини фойдали эканлигига ишонтиришни истардим...» Тиббиёт олийгоҳида ёзувчи яна 2 йил бўлади. Унда касаллик Хитой учун энг дахшатли бало эмас деган фикрга келади. Қолоқ ва саводсиз халқ аввало миллий онг ривожланишига муҳтож эди. Лу Син шунга иқроп бўладикки, адабиёт Хитой халқи онгининг ўсишига ёрдам бериши мумкин, шу туфайли ўз хаётини адабий фаолиятига бағишлайди. «Шунинг учун бизга

биринчи галдаги муҳим иш кишиларни маънавиятини ўзгартиришдир, унга эришмоқ учун меннинг фикримча адабиёт ва санъат ёрдамига таяниш лозим. Шунга кўра мен адабий ҳаракатни ривожлантириш ҳақида ўйлай бошладим», берилади.

Учинчи гуруҳга эса Лу Син адабий фаолиятини бошланиши берилиб, Лу Син фаолиятининг 1903 йилдаги фаолияти келтирилади: Лу Син «Чже Сзын» журнали учун мақола ёзади, Жюл Верннинг «Ойга парвоз» романини таржима қилади. Кейинги йилларда Лу Син машҳур Хитой мумтоз адабиётининг билимдони Чжан Тайян раҳбарлигида Хитой адабиётини ўрганиш, таржима ва таҳрир қилиш билан шуғулланади. 1909 йилда Лу Син «Хорижий ҳикоялар» (“Юй вай сяо шо”) номли иккита тўплам нашр эттиради, унга рус муаллифларининг асарлари ҳам кирган.

Лу Син 1898 – 1899 йилларда Жиангнан ҳарбий – денгиз академиясида ўқийди, сўнгра, Жиангнан ҳарбий академияси қошидаги тоғ иши ва темир йўл мактабига ўтказилади. Бу ерда ўқиш давомида, адиб биринчи бор Фарб илм – фани билан танишади, немис ва инглиз тилини ўрганади, чет тилида ёзилган илмий ва бадиий адабиётларни ўқийди. 1902 – йилда Лу Син давлат гранди асосида Японияга ўқишга жўнатилади. У ерда адиб, хитойлик талабаларни Япония университетларига ўқишгакиришга тайёрловчи Кобун мактабида таълим олади. Ўша ерда адиб ўзининг биринчи, вена тилида ёзлган эссесини ёзади.

Лу Син 1904 – йилда, биринчи чет эллик талаба сифатида Сендай табобат академиясига ўқишга киради. У ўзининг ўқитувчиси ва маслаҳатчиси Фудзино Генкуро билан яхши муносабатда бўлади ва унга атаб эссе ёзади. Лекин, 1906 – йилнинг март ойида Лу Син тўсатдан ўқишини тўхтатиб, коллежни тарк этади. Адиб нима сабабдан ўқишини яқунламай кетишининг сабабларини ўзининг машҳур “Қуролга” деб номланган тўпламида кўрсатиб ўтади.

1906- йилда Лу Син Токиога келади ва у ерда филолог Чжан Таиян билан танишади. Адиб Токиода яшаган пайтларида, бир қанча рус ва шарқий европа тилларида ёзилган ҳикояларни таржима қилиб, нашр эттиради. Шунингдек, талабалар бу гуруҳига 1909-1918 йиллардаги педагогик фаолияти ва унинг шу даврдаги олиб борган ишлари ақс этган матн билан танишадилар.

1909-1918 йилларида ёзувчи Ханчжоу ва Шаосин провинцияларида педагогик фаолият билан шуғулланади, адабиёт тарихи ва ватанининг маданиятини ўрганишда давом этади. Манчжурлар монархиясига барҳам берилиб, Нанкин шаҳридаги инқилобий ҳокимиятнинг тузилиши билан

таълим тизими вазирлигида фаолият юритади, “Хан сулоласи тарихи” китобини таъхир қилади, “Сзи Кан шеърияи тўплами” китобини тузади, буддавийлик ададибётини ўрганеди, бронза ва тошларга битилган қадимги хитой ёзувлари устида изланишлар олиб боради.

Лу Син дастлабки бадиий асарларини 1907 йилда яратади, бу вақтда у Японияда ўқир эди. Булар ҳаммаси Хитой Синхай инқилоби арафасида бўлган эди. Инқилоб Хитой буржуазияси раҳбарлигидан ўзининг энг юқори босқичига чиққан эди. Дастлаб Лу Син инқилобни кутлайди, уни ёрдамида Хитойдаги феодал- патриархал тартибларини ўзгартириш мумкин деб ҳисоблайди. Бироқ, Лу Син ватанига қайтгач, инқилоб ўз ишончларини оқламаганлигини тушунади.

³«Мохият, -деб ёзади Лу Син, - аслича қолганди, чунки харбий ҳукумат ўша-ўша бир неча эски амалдорлардан тузилган эди». Хитой инқлобининг биринчи йилларида Лу Син адабий ва публицистик фаолиятида бирон-бир фаоллик кўринмайди.

Лу Сини жодининг том маънода гуллаб яшнаши Хитой тарихидаги феодализмга ва империализмга қарши, биринчи галда Японияга қарши «4 май ҳаракати»да кучли намоён бўлади. Бу ҳаракат, унинг бошланишига талабалар намоёиши сабаб бўлганди, Хитой маданий ривожланишида бурилиш нуқтаси бўлди.

«Янги демократия ҳақида» номли ишида Мао Сзедун икки тарихий даврини фарқ қилиш лозим деб кўрсатади: «4 май ҳаракати»гача Хитойнинг маданияти фронтидаги кураш буржуазия маданияти ва феодал синфлар маданияти ўртасида борди.

Талабаларнинг тўртинчи гуруҳи Лу Син демократик тамойиллари асосида шахсни озод қилиш учун курашувчи либераллик йўлини ўрганадилар:

Маданий инқилоб «4 май ҳаракати» билан бошланиб феодал маданиятига тўлиқ қарши қаратилган эди. Хитой бутун тарихи мобайнида хали бунчалик улкан ва тадрижий инқилоб бўлмаган эди. Лу Син эски жамиятнинг айниб бораётганини олдиндан кўра билди ва янги жамият орзу қилади, лекин у «бу янги жамият қандай бўлиши кераклигини билмасди, янги қарор топгандан сўнг яхши бўладими - йўқми, унга қоронғу эди». Лу Син демократик тамойиллари орқали ижтимоий дунё қараш чуқур эътиқод орқали шахсни озод қилиш учун урашувчи либераллик йўлини босиб ўтади. Лу Синнинг бундай ривожланишида Хитой халқининг ҳаракати ва Хитой жамиятидаги XX асрнинг биринчи ярмидаги ўзгаришлар ўз аксини топади.

³ Алексеев В.М. Труды по китайской литературе: – М.:Наука, 2002-2003.

Лу Син ўз онгли хаётини XIX аср билан XX аср туташган чегарада бошлади. Бу вақтда Хитой ярим феодал ярим мустамлака давлат эди, унинг унумли манфаатлари кўпол ва шавкатсиз тарзда чет эллик талончилар томонидан тахқирланганди. Бу давр халқ харакати ва инқилобий ходисалар даври бўлиб, кўп миллионлик Хитой халқининг келажак тақдирига кучли таъсир ўтказди. Хитой халқаро бирлашган агрессив кучларга ва ички феодал харбий кучларга қарши тенгсиз кураш олиб борарди.


Лу Син Хитой адабиётига янги ғоялар ва образлар дунёсини олиб кирди. Бадиий ижодининг ёрқин ижтимоийлиги, публицистик мақолаларининг кескин сиёсийлиги атрофидаги хаёт ҳақиқатига танқидий муносабат –булар ҳаммаси ёзувчининг халқ билан чуқур алоқасидан далолат беради. Лу Синнинг Хитой халқ оммаси харакатига яқинлиги ёзувчининг реализмининг фоз этувчи кучида кўринади. Лу Син Хитой адабиёти собиқ эпохасини яқунлайди ва реалистик санъат даврини бошлаб беради. У даврнинг бошловчиси ва биринчи мумтозларидан хисобланади.

Лу Син Хитойдаги ярим мустамлака ярим феодал тузумининг адолатсизлигини яққол кўра билди. Унда кўпчиликнинг қисмати қашшоқлик ва яшаш учун кураш бўлиб қолган эди, бир ҳовуч кишилар эса чекланмаган ҳуқуқ, бойлик, роҳат-фароғат ва рухий ҳузур халоватга эга эди холос. Акси инқилоб даврида Чан Кайши давлат тўнтариши вақтида Кантон унверситетидан кетади ва Шанхайга боради. Фақат хаёт йўлининг мана шу сўнгги босқичида ёзувчи ўзини буткул ижодга бағишлайди.


Лу Син ўзининг сўнгги бадиий асарлари учун-ҳажвий қаҳрамонлик ҳикоялари туркуми «Кўхна афсона янги тахрирда» да миллий тарих ва ривоятларнинг энг оммабоп мавзуини танлайди. Ушбу ҳикояларни икки хил тарихда режалайди: замонавийликни тўғридан-тўғри эслатган холда уларни кекса тарих билан туташтиради, яъни хурсандлик билан бошдан соқит этиладиган ўша ўтмишни ҳозирги замонни анахроник фарқини таъкидлайди.

Юқорида таъкидланганидек “Бумеранг” технологияси етти босқичдан иборат бўлиб, кичик гуруҳларни шакллантириш, ҳар бир гуруҳга алоҳида тарқатма материаллар тарқатиш, материални мустикал ўрганиш, янги кичик гуруҳларни шакллантириш, гуруҳ аъзоларини ўргатиш ва ўрганиш, аввалги кичик гуруҳга қайтиш, баҳолашдан таркиб топган.

“БУМЕРАНГ” методини ўтказиши
(*Рақамли карточкалар орқали кичик гуруҳларни шакллантириши*)



“БУМЕРАНГ” методини ўтказиши
(*Рангли карточкалар орқали янги кичик гуруҳларни шакллантириши*)



Бу технологиянинг бошқа технология ва методлардан фарқли томони шундаки, бир мавзунини 4 га бўлиб талабалар уни мустақил ўрганадилар ва албатта ўзаро мулоқот вақтида мавзуда акс эттириладиган воқеаларга реаллик кўзи билан қараш имкони туғилади. Ҳар бир гуруҳдаги ўрганиладиган

мавзунинг бир қисмини 4 чи босқичга келиб, янги гуруҳлар шакллантирилганда бир бутун мавзу шаклида ўрганиш имкони мавжуд бўлади.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш мумкинки, талабаларга дарс жараёнида пассив иштирокчи ёки ахборотни қабул қилувчи объект сифатида эмас, балки фаол иштирокчи, ўз олган билимларини ҳамкорликда бошқалар билан фаолият юритувчи бўлажак мутахассис сифатида қараш имкони яратилади, бу эса келгусида Хитойшунослик йўналишида ўқиётган талабаларда мустақил фаолият юритиш малакаларини шаклланишидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Д. Рўзиева, М.Усманбаева, З.Ҳалиқова “Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши”. Методик қўлланма. Тошкент-2013
2. Р.Ишмухамедов, М.Мирсалиева “Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари” Тошкент 2014.
3. Алексеев В.М. Труды по китайской литературе: – М.:Наука, 2002-2003. В.
4. Хитой адабиёти (Шарқ халқлари адабиёти ва тарихи) / Ж.Зиямухамедов, О.Очилов, С.Насимова: -Т.2016 й..
5. Khalmurzaeva, N. T., Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Mirzakhmedova, K. V. (2021). SPECIFICITY OF THE ACTION OF SILENCE IN JAPANESE COMMUNICATION CULTURE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(08), 50-55.
6. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10
7. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.
8. Mirzakhmedova, K., Nishanbaeva, A., Nuriddinov, N., & Djafarov, B. (2021). THE TERMS FORMATTED WITH ARABIC LOANWORDS IN THE PERSIAN LANGUAGE. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 201-206).
9. Хашимова, С. А. (2020). ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ НЕОДУШЕВЛЁННЫХ СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ ПРИ ПОМОЩИ

СУФФИКСАЦИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. *Modern Oriental Studies*, 2(2).

10. ХАЛМУРЗАЕВА, Н. Т. (2014). РОЛЬ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В РЕАЛИЗАЦИИ КОММУНИКАТИВНОЙ СТРАТЕГИИ В ДЕЛОВОМ ОБЩЕНИИЯПОНСКОГО ЯЗЫКА. In *Будущее науки-2014* (pp. 303-306).

11. AMANOV, K. (2015). TÜRKÇE RESMİ YAZI DİLİ TARİHİNİN FASILALARA AYRILMASI. *Electronic Turkish Studies*, 10(12).

12. Насирова, С. А. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии. In *Китайская лингвистика и синология* (pp. 384-387).

13. Хашимова, С. А. (2019). О НЕКОТОРЫХ ГРАММАТИЧЕСКИХ И СЕМАНТИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ УДВОЕНИЯ В ЛИНГВИСТИКЕ. In *Лингвистика XXI века: традиции и инновации* (pp. 444-451).

14. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То 'plam № 2/та'sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b., 29.*

15. Gosmanovna Ibatullina, D., Rafisovna Alikberova, A., & Abdullayevna Nasirova, S. (2019). Modern Linguistic Trends in the Japanese Language. *Journal of Research in Applied Linguistics*, 10(Proceedings of the 6th International Conference on Applied Linguistics Issues (ALI 2019) July 19-20, 2019, Saint Petersburg, Russia), 500-505.

16. China.kulizhki.net

17. Kitai.ru.net.

18. Kitaigorod.narod.ru